*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 26 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 220 (5.013).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.







**Пискент районидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил 1.150 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Ватан хирмонига 3.000 тонна юқори нав хом ашё тортиқ қилинади. Ҳозир далаларда йиғим-терим жадал бормоқда. Бу юмушга 23 та зангори кема, 56 та тележка сафарбар этилган.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Бригада бошлиғи Абдулла Холмирзаев (чапдан), район давлат техника назорати бўлимининг бош йўриқчиси Абдукарим Рисбоев, механизатор Ҳасан Абдужабборов ва бош муҳандис Иномжон Ғуломов пахтазорни кўздан кечиришаяпти. 2. Машина терими пайти. 3. Пахта хирмони кун сайин юксалмоқда.**

А. МАЛЬЦЕВ олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАР ЭГАЛАРИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЖУМҲУРИЯТДАГИ БАРЧА ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАР СОҲИБЛАРИ, МАТЛУБОТЧИЛАР ВА ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИГА

# МУРОЖААТИ

Қадрли дўстлар! Биз тарихимизда биринчи марта ўзимизнинг таъсис қурултойимизга йиғилиб, томорқа хўжалигини ривожлантириш масалаларини муҳокама этдик, бу борадаги муаммоларни тўғри ҳал қилиш йўлидаги дастлабки чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда колхозлар, совхозлар билан бир қаторда деҳқон хўжаликлари, колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг шахсий хўжаликлари ҳам тобора мустақил ўрин тутмоқда. Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги хўжалик мустақиллигининг юксалишига, омилкорона фаолиятнинг кучайишига йўл очмоқда.

Жумҳуриятда суғориладиган ерлар чекланганлиги, озиқ-овқат муаммоси суст ҳал қилинаётганлиги, қишлоқда ишчи кучларининг ортиб бораётганлиги сабабли мавжуд сув ва ер манбаларидан янада самаралироқ фойдаланиш масалалари ғоят муҳим аҳамият касб этаяпти. Шунинг учун ишчилар ва колхозчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларига катта ўрин ажратилмоқда.

Ҳозирдаёқ шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Вазирлар Кенгашининг «Колхозчилар, совхоз ишчилари, фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ва якка тартибдаги уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қўшимча равишда 165,1 минг гектар ер ажратиб берилди. Томорқа ерлари фонди 400 минг гектарга, қишлоқдаги хонадонлар сони эса 2,2 миллионтага етди. Оила хўжаликларида 2,4 миллион бош қорамол, жумладан 1,2 миллион бош сигир боқилмоқда, бу жамоат секторидагига қараганда 2,6 баравар кўпдир.

Ҳурматли ўртоқлар! Дарҳақиқат, томорқага ажратилган ердан унумли фойдаланилмоқда. Жумҳуриятда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб учдан бири, пилланинг 96 фоизи шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади. Полиз (37 фоиз), сабзавот (43 фоиз), сут (65 фоиз), жун (65 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда ҳам шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг салмоғи катта.

Ўзбекистон ССР Президентининг тегишли фармонларига мувофиқ қишлоқ меҳнаткашларининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга яқиндан ёрдам берилмоқда. Жумҳуриятнинг аграр сиёсати шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, бу бозорни мева-сабзавот маҳсулотларига, гўшт, сутга тезроқ сероб қилиш, қишлоқдаги мавжуд меҳнат манбаларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, ишчилар, колхозчиларнинг моддий фаровонлигини ошириш, қишлоқ жойларда уй-жой муаммосини ҳал этишни жадаллаштириш учун имкон яратади. Ҳамма жойда шахсий ёрдамчи хўжаликлар майдони ҳажмини 0,25 гектарга етказиш вазифаси қўйилди.

Бироқ шахсий ёрдамчи хўжаликлар бирмунча ривожланганлигига, уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўпайганига қарамай, бу сектордаги ишлар аслини олганда ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ишлаб чиқаришнинг шу соҳасида моддий-техника таъминоти, айниқса озуқа, плёнка, суғориш учун сув билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва қайта ишлаш ёмон уюштирилган. Бозордаги талаб ва таклифни аниқлайдиган, шахсий ёрдамчи хўжаликларга зарур ахборотни етказиб турадиган хизматлар ҳозирча йўқ.

Шунинг учун ҳам жумҳурият Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларининг иттифоқини тузиш зарурати туғилди. Бундай иттифоқ шахсий ёрдамчи хўжаликлар манфаатларини ҳимоя қилишга, фаолиятларини мувофиқлаштириб туришга ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этишга кўмаклашуви зарур. Шу билан биргаликда у томорқачиларнинг бошқа ижтимоий-иқтисодий манбалардан келадиган ҳар хил пул ва бошқа тушумлари адолатли тақсимланишини таъминлаш учун курашади.

Томорқачилар ҳамма муносабатларни шартнома асосида, иқтисодий манфаатдорлик билан олиб борадилар. Етиштирилган маҳсулот ва уни сотишдан тушган даромадга тўла хўжайинликни таъминлаш узлуксиз давом эттирилади.

Ҳурматли томорқачилар! Ажратилган ҳар қарич ердан самарали фойдаланайлик. Ердан йилига 2—3 марта ҳосил олаётган шахсий ёрдамчи хўжаликлар тажрибасини кенг оммалаштирайлик. Ҳар йили шахсий томорқа ерларидан икки мартадан сабзавот, картошка, озуқа экинлари экиб, улардан ҳосил олиш ҳаммамиз учун ҳаётий талабга айлансин. Аммо очиқ айтишимиз керакки, айрим томорқачилар ўз шахсий ерларидан унумсиз фойдаланмоқдалар. Улар ўт-шўра, бурганларга бостириб юборилган, мўлжалдаги озиқ-овқат маҳсулотлари олинмаяпти. Жойлардаги депутат ўртоқлардан, совет идораларининг раҳбарларидан илтимос қиламиз: «Бир қарич ҳам ернинг умри бекор ўтмасин».

**Ҳурматли боғдорчилик ва томорқачилик жамоаларининг аъзолари!**

**Фидокорона меҳнат билан мўл ҳосил етиштиришга эришингиз, ўз эҳтиёжларингизни таъминлаш билан бирга дўст-қадрдонларингизни қовун сайилларига таклиф этишдек халқ анъаналарини такомиллаштирингиз.**

**Бозорни мева, узум ва томорқа маҳсулотлари билан тўлдиришда фаол иштирок этингиз!**

Шахсий ёрдамчи хўжалик учун ажратилган ерларда уй-жой қуриш оммавий тус олди. Қатор-қатор уйлар қад кўтармоқда. Халқимиз беҳад хурсанд. Ҳар бир оила учун мўлжалланган уйлар миллий урф-одатлар ҳисобга олинган ҳолда ихчам, кўркам қилиб қурилгани, баҳаво ва арзон бўлгани яхши.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган олимларга мурожаат қиламиз. Тупроқ шароитини ҳисобга олиб, томорқа учун ажратилган ерлардан оила жон бошига тиббиёт нормаси асосида маҳсулот етиштириш учун экин турларини жойлаштириш ҳақида тавсияномалар тайёрлаб бериш мақсадга мувофиқ. Шахсий томорқа биринчи навбатда оила талабини қондиришга қаратилган. Айрим минтақаларда томорқачилар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг баъзи турларини, масалан, узум, анор, помидор, қулупнай ва ҳоказоларни етиштиришга ихтисослашганлар. Бундай томорқачиларга ўз маҳсулотларини сотиш учун шароит яратиб берайлик. Томорқа хўжалиги деярли қўл меҳнатига асосланганини ҳисобга олиб, тезда мўъжаз техника, қуроллар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилишини муҳандис ва конструкторлардан сўраймиз.

**Ҳурматли матлубот ходимлари! Томорқачилар етиштирган маҳсулотларни исрофгарчиликка йўл қўймай, шартнома асосида ўз вақтида қабул қилиб олишингизни сўраймиз. Олди-сотди ишларини шундай ташкил этайликки, бу борада ҳамма ерда адолат ҳукм сурсин.**

Томорқа маҳсулотларининг ҳисоб-китобини такомиллаштирайлик. Статистика ходимларидан ҳар бир рақам ҳаётни ҳаққоний акс эттиришига эришишни илтимос қиламиз.

Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари таъсис қурултойи қатнашчилари сизларга мурожаат қилиб, барча имкониятларни сафарбар этган ҳолда шахсий ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришга, унинг самарадорлигини оширишга ўз ҳиссангизни қўшишга чақиради.

## «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ОБУНАСИ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ?

**Жумҳуриятимиз шаҳарлари ва қишлоқларида вақтли нашрларга ёзилиш учун қисқа муддат — икки ой вақт белгиланган. Бинобарин, ҳар дақиқа ғанимат, масъулият катта. Обунани уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча чораларни кўриш лозим. Токи муштарийлар ўзлари севган газета-журналларга ёзилиш имкониятига эга бўлсинлар.**

**Рўзномамиз таҳририяти жойларда ҳазораспликлар ташаббуси қўллаб-қувватланаётганлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» обунаси қизғин олиб борилаётганлиги ҳақида кўплаб хабарлар, телеграммалар олмоқда. Қуйида улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

### ҚАЛБГА ЙЎЛ

Партия сўзини оммага етказиш, жамиятимизда юз бераётган туб ўзгаришларни тарғиб қилиш, мавжуд муаммолар хусусида жамоатчилик фикрини уйғотишда матбуотнинг ўз ўрни бор. Вақт, замон, қарашлар ўзгараяпти. Илгари газеталар ва журналларга обуна шунчаки расмиятчилик учун ўтказилар, муштарийларнинг хоҳиш ва истаклари инобатга олинмасди. Ҳозир эса муносабат бошқача: ҳар бир киши дилига яқин нашрни ўзи танлаши мумкин. Бу айни муддао. «Қишлоқ ҳақиқати» давлат хўжалигимиз меҳнатчиларининг севимли рўзномасига айланган. Обуначилар сони йил сайин ошиб бораётганлиги ҳам шундан далолат беради.

Оддий деҳқон, механизатор, чорвадор унинг саҳифаларидан ўзини тўлқинлантираётган, ташвишга солаётган саволларга жавоб топади, илғор тажрибалардан хабардор бўлади, олим ва мутахассислар маслаҳати асосида иш юритишни ўрганади. Тўғри, рўзнома нархи бултургидан қимматлашган. Лекин бу хўжалигимиздаги муштарийлар учун муаммо эмас. Обуна уюшқоқлик билан ўтказилаяпти. Пахта йиғим-терими қизғин паллага кирганлиги ҳисобга олиниб, бу муҳим иш билан шуғулланадиган махсус кишилар ажратилди. **Совхоз маъмурияти, партия, касаба уюшма ташкилотлари уруш, меҳнат, партия ветеранларидан, ишлаб чиқариш илғорларидан 140 кишини рўзномага хўжалик ҳисобидан обуна қилишга қарор бердилар.** Гап пулда эмас, балки ҳурмат-эътиборда. Маънавий рағбатлантириш инсонга яхши кайфият бахш этади.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтсак. Рўзнома ходимларининг ҳаётга яқинроқ бўлишларини, одамларни ўйлантираётган муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқишларини истардик. Жонли, самимий ёзилган мақолагина ўқувчи қалбига етиб боради. Бу машаққатли ишда рўзнома ижодий жамоасига муваффақият тилаймиз.

**М. МАМАТҚУЛОВ,**
**Сурхондарё вилоятидаги «Таллимарон» давлат хўжалиги партия ташкилотининг котиби.**

### УМИДИМИЗ КАТТА

Ҳар бир кунимиз газета-журнал варақлашдан бошланади, десам янглишмайман. Уларни мутолаа қилиш орқали муҳим янгиликлардан хабардор бўламиз, замондошларимиз амалга ошираётган ишлар билан яқиндан танишамиз, онг ва тасаввуримизни бойитамиз. Шу ўринда «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг саҳифаларида қишлоқ муаммоларига кенг ўрин берилади, агросаноат тармоғидаги туб ўзгаришлар моҳияти, илғор тажриба ва ташаббуслар ўз ифодасини топади.

Келгуси йилда ҳам рўзномадан умидимиз катта. Шу боисдан унинг тақдири учун қайғураяпмиз. Хўжалигимизда обуна уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Бунда муштарийларнинг хоҳиш-истаклари инобатга олинаётир. Ҳазораспликлар ташаббусига қўшилиб, ўн кишини колхоз ҳисобидан обуна қилишга келишдик. Бундай «имтиёз»га эга бўлганлар орасида уруш ва меҳнат ветеранлари, илғор теримчилар, сигирсоғарлар, механизаторлар, қаҳрамон оналар бор. О. Жавлиев, Ш. Рустамов, Х. Бекмуродова, М. Зоирова ана шулар жумласидан. Рўзномага ёзилиш давом этаяпти.

**М. БОБОМУРОДОВА,**
**Ангор ноҳиясидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги партия ташкилоти котибининг ўринбосари.**

## САККИЗ ИШ КУНИДА

Уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация маршали И. Н. Кожедуб номидаги Мамадиёр Нуралиев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси пахта тайёрлаш режасини нафақат Ф. Хўжаев номли совхозда, балки Октябрь районида биринчилардан бўлиб бажарди. Бунинг учун 8 иш куни кифоя қилди. Мавжуд 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Эл хирмонига 161 тонна сифатли хом ашё етказиб берилди.

Шуниси ибратлики, саранжомланган дурдонанинг ҳаммаси зангори кемалар бункеридан тўкилди ва биринчи сортга топширилди. Механизаторлардан Эргаш Сирлибоев 60, Қаҳҳор Мамазаров 65, Холйигит Кўбаев 36 тонна оқ олтин теришди.

— Бизнинг шароитда кўзланган ҳосилни етиштириш осон эмас, — дейди жамоа етакчиси, халқ депутатлари Жиззах вилояти Советининг депутати М. Нуралиев. — Дашт ташвишларидан ташқари энг чеккада жойлашганлигимиз туфайли сув камчиллиги доимо хавф солиб туради. Бригадамиз аъзолари астойдил меҳнат қилиб, катта зафар қучдилар.

Меҳнат аҳли йиғим-теримни бўшаштиргани йўқ. Чўлқуварлар яна 50 тонна пахта тайёрлаш, ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга, ялпи хирмон салмоғини 210 тоннага етказиш мажбуриятини олишди.

Э. ИБРОҲИМОВ.

*СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ*

## МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТУРМУШИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг мураккаблигини, жамиятни танг вазиятдан олиб чиқиш учун фавқулодда чоралар кўриш, бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлаш, мамлакатни бошқариш системасини ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш зарурлигини эътиборга олиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1. Мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш мақсадида СССР Президентига агар СССР Олий Совети бошқа қоидаларни белгилашни зарур деб топмаса ёхуд СССР Президентига у қабул қилган қарорни ўзгартириш ёки бекор қилишни тавсия этмаса, 1992 йил 31 мартгача бўлган даврга СССР Конституциясига мувофиқ равишда оператив тарзда норматив тусдаги фармонлар чиқариш ва мулкчилик муносабатлари, халқ хўжалиги, бюджет-молия системасини бошқаришни ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва нарх белгилаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан топшириқлар бериш ҳуқуқи берилсин.

2. Умумиттифоқ бозорини шакллантиришни тезлаштириш ва шу мақсадда иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар, мухтор вилоятлар, округлар баҳамжиҳат ҳаракат қилишини таъминлашни жадаллаштириш учун СССР Президентига давлат идоралари ва бошқа давлат тузилмалари барпо этиш ҳуқуқи берилсин.

3. СССР Олий Совети, СССР Президенти ва СССР Министрлар Кенгашининг фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, жамоат тартиби ва давлат интизомини йўлга қўйиш, хўжалик алоқаларини ва корхоналарнинг нормал маромда ишлашини мустаҳкамлаш, иш ташлашлар ва бошқа ижтимоий можароларнинг олдини олиш, барча миллатлар ва миллий тузилмаларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган куч-ғайратларини қўллаб-қувватлашга даъват этиб барча халқ депутатлари Советларига, сиёсий партияларга, касаба уюшмаларига, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларига мурожаат қилинсин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти**
**М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 24 сентябрь.

## МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

24 сентябрь куни Кремлда Совет-Сингапур музокаралари бошланди. Музокараларни СССР Министрлар Кенгашининг раиси Н. И. Рижков билан Сингапур жумҳурияти бош министри Ли Куан Ю олиб бормоқда. Ли Куан Ю Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий ташриф билан кеча Москвага келди.

Совет-Сингапур иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш йўллари, ривожланишнинг замон талабларига жавоб берувчи янги шакллари ва воситаларини излаш тўғрисида фикрлашиб олинди. Ҳар икки томон Совет Узоқ Шарқининг катта имкониятларини рўёбга чиқариш, уни Осиё-Тинч океан минтақасидаги ҳар томонлама ривожланаётган халқаро меҳнат тақсимоти жараёнига тезроқ қўшилиши нақадар муҳим эканлигини таъкидлашди.

Халқаро муаммоларни муҳокама қилиш СССР билан Сингапур жуда кўп масалалар хусусида ўхшаш нуқтаи назарларга эга эканлигини кўрсатди.

Кечқурун Кремлда Совет ҳукумати номидан сингапурлик меҳмон шарафига зиёфат берилди.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

## *Халқ хўжалигини барқарорлаштиришга оид кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ва бозор иқтисодиётига ўтиш дастури ҳақида*

Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозорга ўтиш дастурларининг СССР Президенти ва СССР ҳукумати тақдим этган лойиҳаларини кўриб чиқиб ҳамда бозор муносабатларига жадал ўтиш зарурлигини тушунишда, жумладан, иқтисодиётни давлат ихтиёридан чиқариш, монополияни тугатиш, хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш, умумиттифоқ бозорининг ёрдамчи соҳаларини шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва кадрларни қайта тайёрлаш каби муҳим масалаларда бу лойиҳаларнинг бир-бирига мувофиқлигини қайд этиб, СССР Олий Совети

**Қарор қилади:**

1. СССР Президенти тақдим этган дастур лойиҳаси, СССР Министрлар Кенгаши тақдим этган дастур лойиҳаси, СССР Президенти билан РСФСР Олий Совети раисининг топширувига биноан ишлаб чиқилган дастур лойиҳаси, шунингдек уларни муҳокама қилиш чоғида айтилган таклифлар негизида халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг ягона дастурини тайёрлаш зарур, деб топилсин.

СССР Президентига халқ хўжалигини барқарорлаштиш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг ягона дастурини СССР Олий Советининг тегишли комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари, дастурларни ишлаб чиқувчилар, шунингдек иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг, мухтор вилоятлар ва округларнинг вакиллари иштирокида шакллантиришни ниҳоясига етказиш соҳасидаги ишни уюштириш тавсия этилсин.

2. Дастурни ишлаб чиқишда барқарорлаштириш чора-тадбирларининг мазмуни ва уларни ўтказиш муддатларини ишлаб чиқишга, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланишига, нарх-наво, валюта, солиқ ва фан-техника сиёсатига, аҳолининг иқтисодий саводхонлигига, бутун ижтимоий соҳани, деҳқончилик-саноат комплексини, базавий тармоқларни ривожлантириш учун тегишли шарт-шароитларни яратишга, мамлакатдаги экология вазиятини барқарорлаштиришга, жумҳуриятлар ва минтақаларнинг илк шароитлари ҳар хиллигига, иқтисодиёт соҳасида ССР Иттифоқи билан Совет федерациясининг субъектлари ваколатларини ўзаро келишиб, аниқ фарқлаб қўйиш зарурлигига алоҳида эътибор берилсин.

3. Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш ягона дастурининг иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар Олий Советлари, мухтор вилоятлар ва округлар халқ депутатлари Советларининг хулосалари ва таклифлари эътиборга олинган аниқ лойиҳаси 1990 йил 15 октябргача СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этилсин.

4. СССР Министрлар Кенгаши СССР Олий Совети қабул этган қонунлар ва қарорларга асосланиб, бозорга ўтиш дастурларининг СССР Олий Совети комитетлари ва палаталар доимий комиссиялари қўллаб-қувватлаган асосий қоидаларини ҳисобга олиб, 1991 йилги режа ва бюджет лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

**СССР Олий Советининг раиси**
**А. ЛУКЬЯНОВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 24 сентябрь.

